JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI

XALQARO MUNOSABATLAR

SIYOSAT, IQTISODIYOT, HUQUQ

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2/2015
(№60)

BOSH MUHARRIR: A.A. DJUMANOV

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

A.V. Makatayev, B.A. Abdurahmonov, N.A. Nugmanov, O.R. Sheraliyev, Sh.M.Abdullayev, M.M.Bahadirov, I.I. Boboqulov, R.F.Farmonov, A.O.Fayzullayev, A.Isajanov, I.A.Hamedov, Sh.A.Husainov, Q.A.Jurayev, Sh.N.Kuchimov, I.R.Mavlonov, A.R.Muminov, Sh.Rahmonov, B.B. Samarxojaev, N.Sirojiddinov, E.S.Sultonova, G.A.Tabak, A.V.Voxidov, A.Xalilova, E.Xoshimov, B.A.Xo'jayev, T.V.Zaytseva.

TELEFONLAR: 267-07-41; 268-61-07; FAKS: 267-09-00
TAHRIRIYAT MANZILI: 100113, Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

Ushbu sonni tayyorlaganlar:

Muharrirlar: L.B.Hodanovich, N.M.Usmonova
Original-maket va dizayn: I.A.Semenyuk

JIDU ruxsatisiz qayta chop etish man qilinadi.
Ko'chirib bosilganda «Xalqaro munosabatlar» jurnali ko'rsatilishi shart.
Tahrir hay'ati fikri muallif fikridan o'zgacha bo'lishi mumkin.
Qo'lyozmalar, suratlar qaytarilmaydi.

Перепечатка без разрешения УМЭД не допускается.
При перепечатке ссылка на журнал «Xalqaro munosabatlar» обязательна.
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов публикуемых статей.
Рукописи, фотографии, рисунки не возвращаются.

Ushbu nashr 068 raqami bilan qayd etilgan.

Formati 70x100 1/16. Hajmi 8,4 b.t. Adadi 300 nusxa. Kelishilgan narxda.
JIDUda chop etildi. Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 54.

© Xalqaro munosabatlar, 2015.

МУНДАРИЖА

Jahon siyosati ● Мировая политика ● World Politics

М. Сиддиқова
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР 5

Informatsion jamiyat taraqqiyoti ● Развитие информационного общества ● The development of information society

Ш. Арапов
ИНТЕРВЬЮ С ОДДОМ МОЛСТЕРОМ ПО ВОПРОСАМ ЦИФРОВОЙ ДИПЛОМАТИИ 13

Д. Акабирходжаева
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ 18

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar ● Мировая экономика и международные экономические отношения ● World Economy and international economic relations

Э. Алимардонов
ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ МАРКАЗЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ МИЛЛИЙ МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ 23

Xalqaro va milliy huquq institutlarining taraqqiyoti ● Развитие национальных и международных правовых институтов ● The development of national and international legal institutions

И. Хамедов, Н. Кадирова
ЗАРУБЕЖНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ ЭВОЛЮЦИИ ИНСТИТУТА ПУБЛИЧНЫХ (ГОСУДАРСТВЕННЫХ) УСЛУГ1 33

А.Муминов, Ф.Хамдамова
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ 40

Ҳ. Юнусов
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА ИЛОВА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА МАҚОМИ 45

Б. Самарходжаев
ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ГОСУДАРСТВА В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ 53

Yosh olim nuqtai nazari ● Точка зрения молодого ученого ● Viewpoint of a young scientist

Л. Мингишов
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИ ОШИРИШДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 63

Xorij adabiyotlari sharhi ● Обзор зарубежной литературы ● Foreign Literature Review

ГАБРИЭЛЬ АЛМОНД БОШЧИЛИГИДАГИ (GABRIEL A. ALMOND, G. BINGHAM POWELL, JR., KAARE STROM, RUSSELL J. DALTON)МУАЛЛИФЛАРНИНГ "ЗАМОНАВИЙ ҚИЁСИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК: ХАЛҚАРО НИГОҲ" АСАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҚИСҚАЧА СИЁСИЙ ДАЙЖЕСТ 75

А.Муминов,
кандидат юридических наук, заведующий кафедрой ЮНЕСКО «Международного права и прав человека», Университет мировой экономики и дипломатии
Ф.Хамдамова,
старший преподаватель кафедры ЮНЕСКО «Международного права и прав человека», Университет мировой экономики и дипломатии

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ

***Ключевые слова**: права пожилых, престарелые, пенсионный возраст, право на социальное обеспечение, дискриминация по возрасту, Мадридский план действий по проблемам старения, Венский план действий по проблемам старения.*

Важнейшей тенденцией демографической ситуации в мире является старение населения. К **2050 году** число людей в возрасте 80 лет увеличится почти в четыре раза — **до 395 миллионов** [1]. Подобная тенденция объясняется, во-первых, снижением уровня рождаемости, а во-вторых, ростом продолжительности жизни благодаря прогрессу здравоохранения. Вместе с тем, это свидетельствует о повышении качества жизни общества. Но старение населения, в свою очередь, выявляет ряд негативных последствий [2]. В ча-

стности, это оказывает негативное влияние на рынок труда, поскольку рост доли пожилых людей и сокращение доли молодежи ведёт к снижению трудовой активности населения. Кроме того, ведет к увеличению расходов на социальное обеспечение из-за необходимости оказания помощи пожилым людям. Положение пожилых людей усугубляется также имеющимися в обществе негативными стереотипами в отношении пожилых, отношением к ним как к уже, грубо говоря, ненужным людям.

Вышеизложенное дает основание отнести пожилых людей к уязвимым слоям населения, что, в свою очередь, обусловило принятие соответствующих международных документов.

Прежде всего, следует отметить, что во всех ключевых документах по правам человека, в частности Всеобщей декларации прав человека, Международном пакте о гражданских и политических правах, Международном пакте об экономических, социальных и культурных правах и .т.д. закреплен принцип недопустимости дискриминации по возрасту. Данные документы также предусматривают право на такие жизненные блага, как пища, одежда, жилище, медицинский уход и необходимое социальное обслуживание на случай наступления старости [3]. Схожие положения содержатся и в пактах по правам человека. Особое внимание вопросам защиты прав пожилых людей было уделено договорными органами ООН по правам человека. В частности, Комитетом по правам человека было принято Замечание общего порядка №6. [4]

Данные положения получили дальнейшее развитие в документах региональных организаций по правам человека. В частности, в рамках региональной системы защиты прав человека на африканском континенте права лиц пожилого возраста закреплены в ст. 18 Африканской хартии прав человека и народов 1981г., согласно которой каждый престарелый и нетрудоспособный человек имеет право на особые меры защиты в соответствии с физическими или моральными нуждами. Статья 17 Дополнительного протокола к Американской конвенции по правам человека (или Сан-Сальвадорский протокол в области экономических, социальных и культурных прав) 1988 г., закрепляет право на специальную защиту пожилых. Статья 25 Хартии Европейского Союза об основных правах 2000 г. «признает и уважает право пожилых людей вести достойную и независимую жизнь и участвовать в социальной и культурной жизни», а статья 23 пересмотренной Европейской социальной хартии 1996 г. предоставляет пожилым людям право на социальную защиту, но лишь в общих чертах.

Вместе с тем, вышеуказанные документы закрепляют, в основном, только право на социальное обеспечение [5]. Но права пожилых не должны и не могут ограничиваться только этим правом. Данная категория людей нуждается в более широком круге прав. С этой целью был принят ряд документов, посвященных защите прав пожилых.

Первым основополагающим документом в области социальной работы с пожилыми людьми стал ***Венский международный план действий по проблемам старения*** [6]**,** принятый на Всемирной ассамблее по проблемам старения ООН 5-6 августа 1982 года в Вене.

В **1991 г.** на основе данного Плана действий Генеральной Ассамблеей ООН были приняты 18 принципов ООН **«Сделать полнокровной жизнь лиц преклонного возраста» [7]**. С учетом различного рода дополнений 18 принципов были собраны и объединены в пять основных групп: независимость, участие, уход, реализация внутреннего потенциала, достоинство.

В 1992 году была принята **Декларация по проблемам старения [8].**

Важным шагом стало принятие ***Мадридского международного плана действий по проблемам старения 2002 года*** на Второй Всемирной ассамблее по проблемам старения (Мадрид, 8-12 апреля 2002 года).

Однако, эти документы носят рекомендательный или программный характер. Тем не менее, это не умаляет их значимости, поскольку они отражают важность того, что пожилой возраст не должен ограничиваться только социальным обеспечением и необходимо создавать условия людям пожилого возраста вести полноценную жизнь.

Помимо этих документов универсального характера, был принят ряд документов и мер на региональном уровне. Так, **11-13 сентября 2002 года** были приняты ***Берлинская декларация министров «Общество для всех возрастов в регионе ЕЭК ООН» [9]*** и ***Региональная стратегия осуществления Мадридского международного плана действий по проблемам старения, 2002 год [10].*** На состоявшейся **6-8 ноября 2007 года** в г. Леоне (Испания) конференции Европейской экономической комиссии ООН на уровне министров по проблемам старения была принята ***Леонская декларация министров «Общество для всех возрастов: проблемы и возможности» [11],*** подтвердившая обязательства государств-членов ЕЭК ООН, принятые в Берлинской декларации министров в 2002 году, реализовать Региональную стратегию осуществления Мадридского международного плана действий по проблемам старения. В рамках Содружества независимых государств действует ***Хартия пожилых людей,*** принятая Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ 15 июня 1998 года в г. Санкт-Петербурге постановлением № 11-15. Настоящая Хартия во многом повторяет положения, прописанные в ранее принятых международных документах по проблемам пожилых людей.

Международные усилия в этом направлении не ограничились лишь принятием документов рекомендательного характера. Так, **8 мая 2014 г.** Советом ООН по правам человека состоялось назначение госпожи Розы Корнфельд-Матте (2) в качестве нового мандатария специальных процедур — независимого эксперта по вопросу об осуществлении всех прав человека пожилых людей, который был учрежден в резолюции Совета ООН по правам человека 24/20 от 8 октября 2013 г.

Усилия международного сообщества, направленные на защиту прав пожилых, дали толчок к принятию мер и на национальном уровне. Так, в **ФРГ** в 1991 году вступил в силу **Закон о помощи на дому лицам, утратившим самостоятельность.** В **Китае** с 1 июля 2013 года вступил в силу «Закон о защите прав и интересов пожилых людей», которым предусмотрено, что живущие отдельно родственники должны часто посещать пожилых граждан, при этом работодателей обязали предоставлять работникам необходимый для этого отпуск.

Особое внимание пожилым уделяется в **Узбекистане**, где удельный вес населения в возрасте 60 лет и старше растёт [12]. В стране создана мощная государственная программа социальной защиты, предназначенная для наиболее социально уязвимых групп населения. В Республике Узбекистан право на труд и на пенсионное обеспечение юридически закреплено в Конституции, принятой 8 декабря 1992 года [13]. Приняты Закон Республики Узбекистан «О государственном пенсионном обеспечении граждан» от 3 сентября 1993 года, «О накопительном пенсионном обеспечении граждан» от 1 января 2005 года,

Указ Президента от 27 мая 1991 года «О дополнительных мерах по социальной защите одиноких пенсионеров, нуждающихся в постороннем уходе».

Вместе с тем, важно предпринимать дальнейшие меры по совершенствованию системы защиты прав пожилых людей. В этой связи, международным сообществом предлагается **принять документ обязательного характера, т.е. Конвенцию о правах пожилых людей**.

С этой целью в 2010 г. Генеральной Ассамблеей ООН создана Рабочая группа открытого состава по проблемам старения в целях выработки проекта Конвенции о правах пожилых людей. В 2013 г. была принята резолюция ГА ООН 67/139 “На пути к принятию всеобъемлющего и единого международно-правового документа о защите и поощрении прав и достоинства пожилых людей” [14]. Однако, результаты голосования показали [15], что, большинство государств считают, что такой необходимости нет [16]. Более того, многие считают, что это невозможно. Такой подход объясняется двумя причинами.

Во-первых, определенную трудность создает использование различных понятий в отношении этой категории людей. Так, используются такие понятия, как «пожилые люди», «престарелые лица», «лица старшего возраста», «лица третьей возрастной группы», «лица преклонного возраста» и «лица четвертой возрастной группы», т.е. люди в возрасте старше 80 лет.

Во-вторых, сложно установить какой-то определенный универсальный возрастной минимум для признания пожилым для всех государств Так, Комитет ООН по экономическим и социальным правам в этой связи отмечает, что согласно нормам статистических служб ООН данное определение охватывает лиц в возрасте от 60 лет и старше. Наряду с этим, Фонд ООН в области народонаселения действует в отношении лиц старше 60 лет, а Международная организация труда (МОТ) связывает понятие старости с наступлением возраста выхода на пенсию. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) определяет возраст наступления старости — 65 лет, поскольку в большинстве развитых стран пенсионным устанавливается именно этот возраст. Однако, даже если признать пожилыми людьми лиц пенсионного возраста, это не решает проблемы, поскольку во многих странах женщины достигают пенсионного возраста раньше мужчин, к примеру, в Российской Федерации пенсионный порог составляет 60лет для мужчин и 55 лет для женщин, а в Великобритании — 65/60 лет. В других же, например, в США и Японии установлен единый порог, но в США — 65 лет, а в Японии составляет 70 лет и т.д.

Принимая во внимание все вышеуказанное, стоит, тем не менее, признать, что принятие международной конвенции о правах пожилых позволит повысить информированность общественности о проблемах пожилого населения, устранить пробелы в законодательстве, а также возложить на государства конкретные обязательства по уважению и защите прав пожилых людей [17].

Предлагается также принятие национального Закона «О правах пожилых людей» для улучшения социальной защищенности одиноких престарелых людей, предотвращения их социальной изоляции, повышения уровня жизни пожилого поколения. Необходимо также обеспечивать проведение мониторинга выполнения принятых стандартов на регулярной основе.

В заключение хотелось бы отметить – вопросы обеспечения и защиты прав пожилых людей очень важны. Старость рано или поздно коснется нас и наших близких. Именно поэтому важно пред-

принимать действенные меры по совершенствованию законодательства в области защиты прав пожилых людей сегодня, чтобы мы могли эффективно пользоваться этими правами в будущем.

Литература

1. Мадридский международный план действий по проблемам старения 2002 года, принят на Второй Всемирной ассамблее по проблемам старения (Мадрид, 8-12 апреля 2002 года).

2. Абашидзе А.Х., Конева А.Е.. Проблема защиты прав пожилых на повестве дня мирового сообщества. Вестник РУДН, серия *Юридические науки*, 2014, № 2. С. 344

3. Текст Декларации доступен на http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

4. Текст Замечания доступен на http://tbinternet.ohchr.org/_layouts/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT%2fCESCR%2fGEC%2f4760&Lang=ru

5. Абашидзе А.Х., Конева А.Е.. Проблема защиты прав пожилых на повестве дня мирового сообщества. Вестник РУДН, серия *Юридические науки*, 2014, № 2. С. 346

6. Текст документа доступен на http://ppt.ru/texts/index.phtml?id=38747

7. Текст документа доступен на http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/oldprinc.shtml

8. Текст документа доступен на http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/r47-5.pdf

9. Текст Декларации доступен на http://www.unece.org/fileadmin/DAM/pau/_docs/ece/2002/ECE_AC23_2002_3_Rev2_r.pdf

10. Текст доклада доступен на http://www.unece.org/fileadmin/DAM/pau/age/Ministerial_Conference_Vienna/Documents/ECE.AC.30-2012-4.R.pdf

11. Текст Дектларации доступен на http://www.unece.org/fileadmin/DAM/pau/_docs/ece/2007/ECE_AC30_2007_L1_r.pdf

12. Республика Узбекистан Министерство труда и социальной защиты населения Республики. Отчёт о выполнении Региональной Стратегии Осуществления **(**РСО**)** Мадридского Международного Плана Действий по Проблемам Старения (MIPAA) для региона ЕЭК ООН Июль 2007 г.

13. Статья 37 Конституции гласит: *«Каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законодательством».*В 39 статье Конституции сказано: *«Каждый имеет право на социальное обеспечение в старости, в случае утраты трудоспособности, а также потери кормильца и в других, предусмотренных законом случаях».*

14. Шестьдесят седьмая сессия Пункт 27 *b* и *c* повестки дня A/RES/67/139

15. В феврале 2013 г. Генеральная Ассамблея ООН 53 голосами «за» при 109 воздержавшихся приняла данную резолюцию 67/139.

16. Абашидзе А.Х., Конева А.Е.. Проблема защиты прав пожилых на повестве дня мирового сообщества. Вестник РУДН, серия *Юридические науки*, 2014, № 2. С. 346.

17. Замечание общего порядка КомитетаООН по экономическим, социальным и культурным правам №6.

Ҳ. Юнусов,
юридик фанлар номзоди,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА ИЛОВА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА МАҚОМИ

Калит сўзлар: *халқаро шартномалар, юридик мақом, юридик табиат, шартномалар матни, шартномалар номи, шартномаларга илова қилинган ҳужжатлар, истиснолар, шартли ҳаволалар, протоколлар, баёнотлар, декларациялар, тўлдиришлар, қўшимчалар.*

* * *

This article is devoted to the legal nature and status of the acts annexed to international treaties. As described below in the article, author has quite attempted to classify, systematize and identify their legal characteristics and status. The importance of classification and systematization of the acts annexed to international treaties has been emphasized by author due to the fact that their number extensively increases today. In this respect, author made recommendations for possible improvements of national legislation and norms of the International Law related to regulation of International Treaties.

Key words: *International treaties, legal status, legal nature, text of treaties, title of treaties, acts annexed to treaties, exceptions, conditional reservations, protocols, statements, declarations, addenda, annexes.*

* * *

Эта статья посвящена правовому характеру и статусу актов, прилагаемых к международным договорам. В статье автор пытается классифицировать, систематизировать и определить правовой характер и статус ряда документов, прилагаемых к международным договорам. Автором подчеркивается важность классификации и систематизации прилагаемых актов к международным договорам, в связи с тем, что их число значительно и постепенно возрастает. Исходя из этого, выдвигаются рекомендации относительно возможных улучшений национального законодательства и международных норм, касающихся международных договоров.

Ключевые слова: *международные договора, юридический статус, юридическая природа, текст договора, наименование договоров, акты прилагаемых к международным договорам, исключение, оговорка, протоколы, официальное заявление, декларации, дополнение, добавление, приложение.*

Халқаро шартномалар Халқаро одил суд Низомининг 38-моддасига мувофиқ, одат ҳуқуқи, ҳуқуқнинг асосий тамойиллари, суд амалиёти ва халқаро-ҳуқуқий доктриналар билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ манбаси сифатида эътироф этилади [1].

Шартномалар ҳуқуқи тўғрисида Вена конвенциясининг 2-моддасида халқаро шартномага шундай таъриф

берилади: “Қандай ном билан аталишидан қатъи назар ҳамда бир, икки ёки ўзаро боғланган бир неча ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайси бирида ўз аксини топмасин, давлатлар орасида ёзма шаклда тузиладиган ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро битим “шартнома” маъносини англатади” [2].

Халқаро шартномалар халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг қадимги ва амалий воситаларидан биридир. Унинг тарихи давлатлар ва давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғланган. Бугунги кунда эса, халқаро ҳуқуқий муносабатлар ва, умуман, халқаро муносабатлар тизимини халқаро шартномаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. XXI аср бошида давлатлараро тузилган ва БМТ Котибияти томонидан рўйхатга олинган халқаро шартномаларнинг сони 40 мингдан ошиб кетди [3].

Ҳозирги пайтда турли кўринишдаги ва даражадаги халқаро зиддиятларни ҳал этиш ва олдини олишда халқаро шартномаларнинг ўрни кенгайиб бормоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотларига кўра, охирги 50 йил давомида трансчегаравий дарёлар соҳасида куч ишлатилишига олиб келган зиддиятлар сони 37 тани ташкил этган ҳолда, сув захираларидан биргаликда фойдаланишга қаратилган 150 та халқаро шартнома имзоланган. 18202007 йиллар мобайнида трансчегаравий сув ҳавзалари бўйича 450 та халқаро шартномага имзо чекилган бўлса, биргина Африка қитъасининг ўзида уларнинг сони 90 дан зиёддир [4].

Халқаро шартномалар миқдорининг сон ва сифат жиҳатдан ўсишига халқаро ташкилотлар сезиларли таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги кўп томонлама халқаро шартномаларнинг аксарияти универсал ва минтақавий халқаро ташкилотлар доирасида ёки уларнинг ҳомийлигида ишлаб чиқилган. БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, МДҲ ва бошқалар шулар жумласидандир. Биргина Халқаро меҳнат ташкилотининг бугунги кунда амал қилаётган 189 та конвенцияси, 5 та протокол ва 202 та тавсиялари бор [5].

Айни пайтда, халқаро шартномалар таркибий тузилишига кўра тобора мураккаблашиб бормоқда. Асосий шартномаларга илова қилинадиган протоколлар, декларациялар, қўшимча иловалар (annexes) ва бошқа шаклдаги ҳужжатлар сонининг кўпаяётгани кузатилмоқда.

Европа Иттифоқи мисолида, 1992 йилда Нидерландиянинг Маастрихт қишлоғида имзоланган “Европа Иттифоқи тўғрисида шартнома”га 17 та протокол, 33 та декларация илова қилинган бўлса, 1997 йил 2 октябрда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида имзоланган “Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисида Амстердам шартномаси”га битта якуний ҳужжат, 13 та протокол, 58 та декларация илова қилинган.

2007 йилнинг 13 декабрида Лиссабон шаҳрида қабул қилинган “Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги шартнома”га илова қилинган 37 та протокол, 65 та декларация ва 2 та илова Лиссабон шартномасининг таркибий қисмидир.

Турли қўшимча ҳужжатлар илова қилинган мураккаб таркибий тузилишга эга шартномалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида ҳам учрайди. Масалан, 1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” ана шундай шартномалар сирасидандир. Мазкур шартномага илова қилинган 5 та Илова, битта Протокол, 8 та Қўшма декларация, битта Мактублар алмашуви ва Франция ҳукуматининг

Баёноти Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқий амалиётда халқаро шартномалар сонининг муттасил ошаётгани ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг изчил ривожланиб бориши баробарида халқаро шартномаларга илова ҳужжатларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бироқ, хорижда ва республикамизда халқаро шартномалар ҳуқуқи соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, илова ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми ва табиати чуқур ўрганилмаган.

Асосий шартномаларга илова қилинадиган ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиати ва мақоми бир-биридан кескин фарқ қилади. Эътибор бериш лозимки, турли ном билан аталувчи асосий шартномаларга илова қилинаётган қўшимча ҳужжатлар ҳам турлича ном билан аталиши мумкин. Масалан, асосий шартномани ҳам, ёки бирор асосий шартномага илова қилинаётган қўшимча ҳужжатни ҳам "Протокол" деб номлаш ҳолатлари кузатилади.

Протоколлар мустақил шартнома сифатида тавсифланганда улар доираси чекланган масалалар бўйича тузилган халқаро битимларни англатади. Баъзан, қамрови ва мазмун-моҳиятига кўра, улар каттароқ аҳамиятдаги масалаларга ҳам дахлдор бўлиши мумкин. Масалан, 1925 йилдаги Урушда нафасни қайтарадиган, заҳарли ва бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг қўлланилишини ман этиш тўғрисидаги Женева протоколи [6].

Протоколлар асосий шартномаларга илова ҳужжат бўлиб келаётганда, уни тўлдириш вазифасини бажаради. Бу ҳолатда протоколлар асосий шартномалар билан тенг юридик таъсир кучига эга. Фақат улар шартномаларни "оғирлаштириб" ёки "қаппайтириб" юбормаслиги учун уларнинг ичига киритилмаган, холос.

Асосий шартномаларни мазмунан тўлдириш учун хизмат қиладиган ва уларнинг таркибига кирадиган протоколларни асосий шартномаларни тўлдириш ёки уларнинг ижросини таъминлаш учун хизмат қиладиган, бироқ асосий шартномалардан алоҳида, юридик тузилишига кўра мустақил бўлган протоколлардан фарқлаш муҳимдир.

Биринчи ҳолатда, протоколлар асосий шартномалар билан айни бир вақтда қабул қилинади. "Имзолаш протоколи", "Факультатив протокол", "Кенгаш протоколи", "Якунловчи протокол" ана шундай ҳужжатлардир.

"Имзолаш протоколи" асосий шартноманинг айрим қоидаларини талқин қилиш, протоколлаштириш ёки техник масалаларга бағишланиб, асосий шартнома билан биргаликда ратификация қилинади.

"Факультатив протокол" – мустақил ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, асосий шартномадан алоҳида тартибда ратификация қилинади. Улар орқали асосий шартнома томонлари ўзлари учун қўшимча мажбуриятлар олиш имкониятига эга бўлади.

"Кенгаш протоколи" – халқаро конференция ёки музокаралар кенгашининг эришилган келишувларни қайд этувчи ҳужжатидир. Улар бажарадиган функциясига қараб кенгаш ёки конференциянинг иш юритув ҳужжати ёки халқаро шартнома бўлиши мумкин. Халқаро шартнома сифатида малакаланиши учун улар асосий шартнома қоидаларини такрорламаслиги лозим. Бундай протоколлар иштирокчиларнинг бир-бирига мос келмайдиган нуқтаи назарларини ифода этиш мақсадида ҳам қўлланилади.

"Якунловчи протокол" асосий шартномага қўшимча келишув бўлиб, асосий шартноманинг қоидаларини аниқлаштириш, томонларнинг алоҳида нуқтаи назарларини ифода этиш учун ишлатилади. Аксарият ҳолатларда асосий шартномага доир илова ҳисобланади ва у билан биргаликда мажбурий кучга эга бўлади [7].

Иккинчи ҳолатда эса, протоколлар асосий шартномалар қабул қилинган санадан анча кейин алоҳида ҳукуматлараро учрашувлар ва музокаралар орқали қабул қилинади. Масалан, 1992 йил 18 мартда "Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Хельсинки конвенцияси ишлаб чиқилган ва у 1996 йил 6 октябрда кучга кирган эди. 1999 йил 17 июнда унга қўшимча Лондон протоколи қабул қилинди ва 2005 йил 4 августда кучга кирди. Ёки "Халқаро сув оқимларидан кема қатновларидан бошқа йўналишларда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида"ги Нью-Йорк конвенцияси 1997 йил 21 майда қабул қилинган бўлса, 2003 йилда унинг "Трансчегаравий дарёларга саноат авариялари нинг трансчегаравий таъсири оқибатида етказиладиган зарарга нисбатан фуқаровий жавобгарлик ва зарарни қоплашга оид" Киев протоколи ишлаб чиқилди.

Айрим ҳолатларда, протоколлар асосий шартномаларнинг кучга кириши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, 2011 йил 18 октябрда имзоланган МДҲ доирасида эркин савдо ҳудудини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистоннинг қўшилиши ва унинг кучга киришини таъминлаш мақсадида "Шартнома томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги шартномани қўллаш тўғрисида протокол" қабул қилинган [8].

Асосий шартнома мақсадларини амалга татбиқ этишни осонлаштириш ёки таъминлаш мақсадида қабул қилинадиган протоколлар халқаро амалиётда кўп учрайди. Улар ўзида ижро механизмларини мужассам этади, бироқ асосий шартномадан мустақил халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Кўп ҳолларда, мазкур турдаги протоколларнинг қабул қилиниши асосий шартномаларнинг ўзида кўрсатилган бўлади. Масалан, "Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Вена конвенциясининг 2- ва 8-моддаларига мувофиқ 1987 йилда "Озон қатламини камайтирадиган моддалар тўғрисида"ги Монреаль протоколи қабул қилинган.

Халқаро ҳуқуқий амалиётда асосий шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги шартномалар ҳам баъзан «протокол» номи билан юритилади. Процессуал-техник характердаги протоколлар (имзолаш протоколи, ратификация ёрлиқларини топшириш протоколи) шартномаларга доир илова ҳужжатлар бўлиб, асосан, шартномага нисбатан турли хилдаги муайян ҳуқуқий ҳаракатлар ёки хулқ-атворни ифода этади.

Халқаро шартномаларга илова қилинадиган ва махсус "**Илова**» (*Annex*) номи билан юритиладиган ҳужжатлар протоколлар каби мажбурий юридик кучга эга. Умумий номи ўхшаш бўлсада, мазкур ҳужжатларни шартномаларга илова қилинган (annexed) бошқа номдаги ҳужжатлар билан адаштирмаслик лозим. Иловалар шартноманинг муҳим юридик элементи ҳисобланади. Улар орқали асосий шартномада кўзда тутилган имтиёзларнинг индикатив рўйхати (indicative lists), молиявий хизматларга оид таърифлар, асосий шартномаларнинг тегишли моддаларига нисбатан истиснолар (reservations), чекловлар ёки мажбурловчи чораларнинг турлари (restrictive measures) ифода этилиши мумкин.

Декларациялар халқаро амалиётда кенг тарқалган халқаро ҳужжат бўлиб, ҳам мустақил шартнома, ҳам асосий шартномага илова ҳужжат сифатида ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларнинг юридик мақоми ҳам ўзгаради. Асосий шартнома номи "декларация" номи билан юритилгандагина, улар юридик кучга эга бўлиши мумкин, холос. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, "Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Стратегик шерикчилик

ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация" [9], ЮНЕСКОнинг "Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари тўғрисида"ги декларацияси шулар жумласидандир. Шу маънода, декларациялар соддалаштирилган халқаро шартномадир. Уларнинг кириш қисми, одатда, халқаро шартномаларга хос бўлган "рози бўладилар, келишиб оладилар" деган формула билан эмас, балки "қуйидагиларни баён қиладилар" формуласи билан якунланади.

Декларациялар мустақил алоҳида халқаро шартнома сифатида икки томонлама ёки кўп томонлама характер касб этади. Бунда декларация-шартномалар ва декларация-сиёсий ҳужжатларни бир-биридан фарқлаш зарур [10]. Улар таркибий тузилиши ва баён услубига кўра ўзаро тафовутланади.

Асосий шартномаларга илова қилинаётган декларацияларнинг барчаси юридик кучга эга бўлмаган тавсиявий характердаги ҳужжатлардир. Улар асосий шартномалар матнига инкорпорация қилинмайди. Одатда, декларациялар асосий шартномаларга тўғридан-тўғри илова қилинмайди, балки шартномалар қабул қилинаётган конференцияларнинг якунловчи ҳужжатига илова қилинади. Айрим ҳолларда, асосий шартномага бевосита илова қилинган ҳолатда ҳам улар юридик кучга эга бўлмайди. Масалан, Европа Ягона ҳужжатининг 31-моддасига, Европа Иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномасининг Л-моддасига декларациялар тўғридан-тўғри илова қилинган бўлсада, бироқ, кейинчалик, Европа ҳамжамиятлари одил суди томонидан уларнинг юридик кучи бекор қилинган эди.

Декларациялар бир ёки бир нечта аъзо давлат томонидан муайян ҳуқуқий ҳолатга муносабат билдириш ёки асосий шартноманинг бирор моддасини шарҳлаш учун хизмат қилиши мумкин.

Умуман айтганда, ҳуқуқий амалиёт натижаларидан келиб чиқиб, учта сабабга кўра, декларациялар юридик кучга эга бўлмайди: биринчидан, улар асосий шартномаларга инкорпорация қилинмайди; иккинчидан, улар халқаро ҳуқуқ доктринаси ва халқаро ташкилотларнинг таъсис шартномаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тавсифланмайди; учинчидан, улар асосий шартномалар ҳамда халқаро ташкилотларнинг таъсис шартномалари ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг юридик таъсирини чеклай олмайди, ўзгартира олмайди ёки бекор қила олмайди [11]. Халқаро суд амалиёти декларацияларнинг ҳар қандай юридик кучи ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини инкор этади [12] ҳамда халқаро ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига декларациялар илова қилиш ва улар орқали ўша ҳужжатларнинг моддаларини шарҳлаш мумкин эмаслигини қайд этади [13].

Асосий шартномаларга илова қилинаётган **баёнотлар**нинг юридик таъсири жуда чекланган ёки умуман юридик кучга эга эмас. Баёнотлар орқали шартномада иштирок этаётган давлатлар муайян бир ҳолатга нисбатан ўз позициясини баён этади ёки бир томонлама ҳуқуқ ва мажбуриятларини эълон қилиши мумкин. Шу боис, баёнотлар ўз моҳиятига кўра маълумот ёки хабар берувчи ҳужжатдир. Масалан, 1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим"га илова қилинган Франция ҳукуматининг Баёнотида мазкур битимнинг Европа Ҳамжамияти билан уюшма битимлари орқали боғланган бошқа давлатлар ва ҳудудларга (масалан, Франциянинг собиқ мустамлака ҳудудларига) нисбатан татбиқ этилмаслиги маълум қилинади.

Халқаро шартномаларнинг илова ҳужжатлари ичида ўз номи билан «**Қўшимча**» (*Appendix, appendices*) деб юритиладиган ҳужжатлар ҳам учрайди

ва улар асосий шартномани мазмунан тўлдиришга ёки аниқлаштиришга хизмат қилади. Масалан, “Атроф-муҳитга трансчегаравий кўламда етказиладиган таъсирни баҳолаш тўғрисида”ги 1991 йил 25 январда қабул қилинган **Эспо** конвенцияси[14]сига 7 та Қўшимча илова қилинган. Жумладан, конвенциянинг ўзи “трансчегаравий таъсир”га таъриф беради (1-модда). Конвенцияга илова қилинган I Қўшимчада эса зарарли трансчегаравий таъсирни келтириб чиқарувчи фаолият турлари санаб ўтилади. Шартнома матнида Қўшимчаларга ҳавола кўп учрагани боис, уларни бир бутун юридик ҳужжат сифатида қараш талаб этилади. Шу боис, бундай ҳолатларда асосий шартнома ва унинг Қўшимчалари бир хил юридик кучга эга бўлади.

Охирги йилларда халқаро шартномалар матнида бошқа шартномага **ҳавола** қилиш орқали уни асосий шартноманинг таркибий қисмига айлантириш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг 13 декабрида қабул қилинган “Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Лиссабон шартномасининг 6-модда 1-бандига мувофиқ, Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартияси Лиссабон шартномаси матнидан жой олмаса-да, Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг таркибий қисмига айланган ва юридик мажбурий кучга эгадир: “Иттифоқ 2000 йил 7 декабрда қабул қилинган, 2007 йил 12 декабрда таҳрир этилган [15] Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясида эълон қилинган ҳуқуқлар, эркинликлар ва тамойилларни эътироф этади. У шартномалар билан бир хил юридик кучга эгадир” [16]. Шунингдек, Лиссабон шартномасига шартнома матнидаги оддий ҳавола билан боғланган Хартияга илова қилинган протокол ва декларациялар ҳам, эндиликда, Лиссабон шартномаси билан узвийлик касб этди. Жумладан, “Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясининг Польша ва Буюк Британияга нисбатан татбиқ этилишига оид протокол», «Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясига оид 1-декларация», «Чехия Республикасининг Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясига оид 53-декларацияси», «Польша Республикасининг Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясига оид 61-Декларацияси» ва бошқалар Хартия билан биргаликда Лиссабон шартномасининг таркибий қисмини ташкил этади.

Халқаро шартномаларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатлар таҳлилидан **қуйидаги хулосаларга** келиш мумкин:

биринчидан, халқаро шартномаларнинг илова ҳужжатлари протокол, декларация, қўшимча, тўлдириш, баённот, меморандум ва бошқа шаклдаги номлар билан аталиши мумкин. Бу ҳолатда уларни худди шу номлар билан аталаётган асосий шартномалардан фарқлаш лозим. Масалан, асосий шартноманинг номи “Хартия” деб аталсада, унга “протокол” деб номланган ҳужжат илова қилиниши мумкин. Ёки, асосий шартнома “протокол”, унга илова қилинган ҳужжат “декларация” деб аталиши мумкин;

иккинчидан, халқаро шартномаларга илова қилинаётган ҳужжатларнинг юридик табиати ва мақоми ўзаро фарқланади. Улар асосий шартнома билан боғланиш усулига ва мазмунига кўра, юридик мажбурий ва мажбурий бўлмаган тавсиявий характердаги ҳужжатларга ажратилади;

учинчидан, халқаро шартномаларга илова қилинаётган ҳужжатлар сон ва сифат жиҳатдан тобора кўпайиб ва хилма-хиллашиб бораётган бир пайтда, эркин шартномавий-ҳуқуқий амалиёт уларни изчил тизимлаштиришга имкон бермайди. Шартномаларнинг номи ва таркибий тузилиши, уларга илова қили-

наётган ҳужжатларнинг номланиши, ҳуқуқий мақоми ва табиати, ҳажми ва юридик таъсирининг чегараси кўпроқ шартномаларнинг бирламчи аъзоларининг хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлади. Баъзан, ҳажм ва мазмун нуқтаи назаридан, асосий шартномага нисбатан унинг илова ҳужжатлари каттароқ салмоқни ташкил этиши мумкин;

тўртинчидан, халқаро шартномаларни тушуниш, шарҳлаш ва амалга татбиқ этишда уларга илова қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, асосий шартномаларнинг муҳим меъёрларига нисбатан истиснолар (қўшимча шартлар) илова ҳужжатлари орқали қўлланилаётганда уларнинг аҳамияти янада ошиб кетади.

Бизнинг томонимиздан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор **таклиф ва тавсиялар** илгари сурилмоқда.

Биринчидан, 1969 йил 23 майдаги Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси халқаро шартномаларнинг илова ҳужжатларининг тўлиқ рўйхатини ва уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий мақомини белгиламайди. Конвенция қоидаларига мувофиқ, протоколлар ва иловалар (Annex)гина шартномалар билан бир хил юридик кучга эга эканлиги эътироф этилган. Бироқ ўтган 50 йиллик ҳуқуқий амалиёт юридик кучга эга бўлган илова ҳужжатлар доирасини анча кенгайтирди. Халқаро шартномалар ҳуқуқи амалиётида рўй берган охирги бир қатор ўзгаришлар ва янги тенденциялар Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг айрим жиҳатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Иккинчидан, миллий қонунчилигимизда халқаро шартномаларнинг илова ҳужжатларига оид бирорта ҳам меъёр ёки эслатма мавжуд эмас. 1996 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси халқаро шартнома тушунчасига таъриф берар экан, юридик-мантиқий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, уни “ҳуқуқ ва мажбуриятларга доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишув” [17] деб атайди. Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 2-моддаси эса халқаро шартномага таъриф берар экан, унинг “икки ёки ўзаро боғланган бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар”дан ташкил топишига ишора қилади. Бу ерда гап асосий шартномага илова қилинадиган ва унинг таркибий қисмига айланадиган қўшимча ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Фикримизча, халқаро шартнома тушунчасига миллий қонунчилигимиз нуқтаи назаридан таъриф бераётганда ҳам Вена конвенциясининг 2-моддасидан келиб чиқиб, унинг таркибий-формал жиҳатларига эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунда, халқаро шартномаларнинг таркибига кирувчи уларга илова қилинаётган қўшимча ҳужжатларга расмий ҳуқуқий мақом берилади.

Учинчидан, юқорида қайд этилган қонуннинг 24-моддаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига доир қўшимча шартлар қўлланилиши учун ҳуқуқий асос яратади, бироқ уларнинг қандай илова ҳужжатлари орқали амалга оширилишини аниқлаштирмайди. Шунингдек, қонунда халқаро шартномаларнинг мажбурий юридик кучга эга бўлган илова ҳужжатларини тўхтатиш, денонсация қилиш, ёки тўхтатиб туриш асослари ўз аксини топмаган. Шу боис, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига аниқлик киритиш айни муддаодир. Бунинг аҳамияти шундаки, асосий шартномани денонсация қилиш, ўз навбатида, унга илова қилинган барча қўшимча ҳужжатларнинг ҳам бекор қилинишини англатади. Бироқ, унинг юридик кучга эга бўлган бирор илова ҳужжатининг бекор қилиниши асосий шартноманинг амал қилишига тубдан путур етказмайди. Бунинг учун эса миллий қонунчилигимизда тегишли ҳуқуқий асос яратилмоғи лозим.

Адабиётлар

1. Statut de la Cour internationale de justice // **Dupuy P. M.** Les grands textes de droit international public. 2-edition. Dalloz, Paris, 2000. P. 297.

2. The Vienna Convention on the Law of Treaties/Convention de Vienne sur le droit des traits. // **Dupuy P. M.** Les grands textes de droit international public. Edition Dalloz, Paris, 2000. – P. 201230.

3. **Lori F. Damrosch, Henkin L.** International Law: Cases and Materials, et.al., 4th Edition, American casebook series, west group, St. Paul, Minn., 2001. P.109.

4. БМТ расмий маълумоти: http://www.unwater.org/statistics_trans.html

5. Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти: http://www.ilo.org/dyn/normlex/en

6. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг тузилиши, бажарилиши ва бекор қилиниши (Парламент аъзолари учун амалий қўлланма). Муаллиф ю.ф.д., профессор К.К.Рашидов. БМТ Тараққиёт дастури. – Тошкент, 2012. – Б. 18.

7. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг тузилиши, бажарилиши ва бекор қилиниши (Парламент аъзолари учун амалий қўлланма). Муаллиф ю.ф.д., профессор К.К.Рашидов. БМТ Тараққиёт дастури. – Тошкент, 2012. – Б. 18.

Инвестицион ривожланиш йўли назарияси (1994) Ж.Даннинг ва Р.Нарулаларга тегишлидир. Ушбу ривожланиш йўли беш босқичдан иборат бўлиб, улар ТТХИнинг мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини ёритиб беради. Меҳнат сиғимкорлиги юқори, паст технологияли ишлаб чиқаришга эга ва қазиб чиқариш саноати устун бўлган мамлакатлар, одатда, ТТХИни импорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланишади (биринчи босқич). Мазкур мамлакатларнинг капитал сиғимкорлиги юқори ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари ТТХИ импортининг ўсишига олиб келади (иккинчи босқич). Агар хорижий капитал импорти рағбатлантирувчи ва экспортга йўналтирилган сиёсат билан қўллаб-қувватланса, мамлакатнинг ўзи ТТХИни экспорт қила бошлайди (учинчи ва қисман иккинчи босқичлар). Тўртинчи босқич ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, ТТХИ экспорти уларнинг импортидан юқори бўлади. Бешинчи босқичда ТТХИ экспорти ва импорти мувозанатлашади ва бундай ҳолат одатда юқори ривожланган мамлакатларга хосдир. Ушбу мамлакатлар барча афзалликлар (O, I, L)[3]га эга бўлиб, жаҳонда

---

[1] Ушбу назария капитални четга чиқаришни маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли қонунлари билан боғлайди. Маҳсулотнинг бозордаги ҳаёти қуйидаги бир нечта босқичлардан ўтади:

1) маҳсулот бозорга олиб кирилади;

2) маҳсулотни сотиш ҳажмининг ортиши ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши;

3) маҳсулот оммавий тарзда ишлаб чиқарилади;

4) бозор маҳсулотга тўйинади ва сотиш ҳажми пасаяди.

Шунда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади.

[2] Ж.Даннинг ТМКнинг жаҳон капитал бозорига кириб бориш сабабларини умумлаштиради. У иқтисодий назарияда тўпланган фикрларни оддий механик тарзда умумлаштирмасдан, хўжалик амалиётида синовдан муваффақиятли ўтган омилларни танлаб олди.Эклектик парадигма назариясида қуйидаги учта ҳолатга изоҳ берилган:

- Қандай ҳолларда товардан кўра капитални четга чиқариш фойдалироқ?
- Қачон миллий ресурслардан кўра бошқа мамлакатлар ресурсларидан фойдаланиш фойдалироқ?
- Қачон компания хорижда ўз ватанида мумкин бўлган монополистик фойдани қўлга киритиши мумкин?

[3]Ж.Даннинг компаниянинг жаҳон капитал бозорида намойиш қилиши мумкин бўлган афзалликларини таснифлаб берди.Ушбу афзалликлар қуйидаги учта йирик гуруҳга ажратилади:

O – инвестор компанияларнинг ички салоҳиятига боғлиқ бўлган афзалликлар. Уларга ком-

технологик ва капитал сиғимкорлиги юқори тармоқларда етакчилик қилишади.

Р.Вернон Ж.Даннинг тарафдорларининг макроиқтисодий ёндашувларидаги хатоларига тузатишлар киритиб, асосан, ТТХИлар бўйича статистик сифатнинг пастлиги ҳолати ва сармоядор корхоналарнинг ташкилот сифатидаги таҳлилига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди. Бундан ташқари, у Ж.Даннингнинг динамик таҳлилни эътибордан четда қолдирганлигини танқид қилади. Р.Вернон фойдани максималлаштириш муаммосининг ечилиши жаҳон бозорига чиқаётган фирма учун жуда муҳимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, унинг амалга ошиш жараёнидаги барча даврлари ҳам муваффақиятли бўлавермаслиги мумкин. Чунки ҳар қандай ТМК барқарор шароитлардагина ҳаракатга келиб ривожланади ва иқтисодий муҳитдаги бошқа фаол ТМКлар билан ўзаро рақобатлашади [8].

Тадқиқотлар асосида, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини қуйидагилар билан изоҳлаймиз:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва, пировардида, аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.

Шуни қайд этиш лозимки, ТТХИ қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин:

- миллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кучли рақобатчининг кириб келиши;

- корхонани кейинчалик муқобил ишлаб чиқаришни тугатиш мақсадида ёпиб юбориш;

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чунки хорижий капитал ўз ватанида тақиқланган зарарли ишлаб чиқаришни четга чиқаришга ҳаракат қилади;

- экспортёр мамлакатда рақобатбардошли бўлмай қолган капиталнинг кириб келиши;

- эркин тадбиркорлик муҳитига зарар етказувчи монопол бозорнинг ўрнатилиш хавфи;

- адолатсиз рақобат муҳитида ишловчи синалмаган капитални қабул қилиш эҳтимоли.

Шунга қарамай, ТТХИ миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва

паниялар томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омилларининг афзалликлари, компаниянинг ташкилий тузилиш хусусиятлари ва қўллаётган стратегияси каби афзалликлар киради;

I – байналмилаллашув жараёнида ўз товарлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини бегона бозорларга йўналтиришда қўлланиладиган филиаллар тармоғидан фойдаланиш афзалликлари;

L – реципиент-мамлакат тақдим этадиган афзалликлар (имтиёзли солиққа тортиш тизими, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг иштироки, инфратузилма хизматларининг кўрсатилиши ва бошқалар).

импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади. ТТХИ алоҳида корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматларни етказиб берувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради [6].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислоҳотларининг амалга оширилиш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мамлакатимиз 2014 йилда бизнесни юритиш шароити бўйича рейтингда 8 поғонага, солиққа тортиш борасида эса 61 поғона юқорига кўтарилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди [1].

Мамлакатларнинг рақобатбардошлилигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири бу Жаҳон иқтисодий форумининг (World Economic Forum, WEF) методикаси ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлилик тўғрисидаги (The Global Competitiveness Report) маърузасида чоп этилади.

Жаҳон иқтисодий форумининг The Global Competitiveness Report муаллифларининг фикрига кўра, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши унинг халқаро савдодаги очиқлик даражаси, ҳукумат сиёсати, молиявий тизимнинг самарадорлиги, меҳнат бозори ҳаракати, илмий салоҳиятли ишчи кучи даражаси, ижтимоий муассасаларининг сифати ва бошқа омиллар билан узвий боғлиқдир. Шу тариқа, глобал рақобатбардошлиликнинг асосий омиллар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига қамраб олгандир: 1) муассасалар; 2) инфратузилма; 3) макроиқтисодий муҳит; 4) соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим; 5) олий таълим тизими; 6) товар бозорининг самарадорлиги; 7) меҳнат бозори самарадорлиги; 8) молия бозорининг ривожланганлиги; 9) янги технологиялар билан қуролланганлик; 10) бозор ҳажми; 11) бизнес самарадорлиги; 12) инновацион салоҳият каби омиллар [3].

Ушбу муаллифлар юқоридаги омилларни ўз навбатида учта муҳим субиндексга ажратишади. Биринчи гуруҳ субиндекси ресурсларга йўналтирилган иқтисодиёт учун базавий (асосий) талабларни, жумладан, муассасалар, инфратузилма, макроиқтисодий муҳит, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълимни ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳ субиндекси самарадорликка йўналтирилган иқтисодиёт учун олий таълим тизими, товар бозорининг самарадорлиги, меҳнат бозори самарадорлиги, молия бозорининг ривожланганлиги, янги технологиялар билан қуролланганлик ва бозор ҳажми каби бизнес-муҳит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади. Шунингдек, учинчи гуруҳ субиндекси инновацияга йўналтирилган иқтисодиёт учун бизнес самарадорлиги ва инновацион салоҳият каби бизнесни такомиллаштириш омилларини бирлаштиради [4]. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг улуши қуйидагича белгиланади (1-жадвал).

1-жадвал

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш босқичларини аниқлашда қўлланиладиган даромадлар чегараси ва ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши.

.	Ривожланиш босқичлари				
	Биринчи босқич: Ресурс-ларга йўналти-рилган	***Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш***	***Иккинчи босқич: Самара-дорликка йўналти-рилган***	***Иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтиш***	***Учинчи босқич: Иннова-цияга йўналти-рилган***
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ хажми, АҚШ долл.	**<2,000**	**2,000–2,999**	**3,000–8,999**	**9,000– 17,000**	**>17,000**
Базавий талаблар бўйича омиллар	60%	40–60%	40%	20–40%	20%
Самарадорлик кўрсаткичлари	35%	35–50%	50%	50%	50%
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5%	5–10%	10%	10–30%	30%

Манба:*The Global Competitiveness Report 2014-2015. World Economic Forum 2014*

Бунда ҳар бир субиндекснинг муайян мамлакат учун ҳисобланган якуний Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI) га қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатбардошлилигини таққослаш имконини беради.

Мамлакатлар ривожланиш босқичларига кўра икки мезон: 1) аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (бозор баҳоларида) (1-жадвал); 2)мамлакатнинг омилларга боғлиқлик даражаси бўйича гуруҳланади. Ушбу кўрсаткич хомашё экспортининг умумий экспортдаги улуши орқали аниқланади. Экспортнинг 70 фоиз дан ортиғи хомашёдан иборат мамлакатлар ресурсларга боғлиқ бўлади [3].

Бу ўринда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиш борасидаги янгиланган рейтингда 2014 йилда Ўзбекистон дунёнинг 190та давлати орасида 2010 йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилганлигини [1], доимий макроиқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳисобга олиб, мамлакатимиз рақобатбардошлилигининг муҳим соҳалари учун базавий талаблар билан бирга самарадорлик кўрсаткичлари ва инновацион омиллар аҳамиятининг ортиб бориши билан изоҳлашимиз мумкин.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик

ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умум қабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг халқаро рейтингини янада оширишни таъминлаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, бизнесни тугатиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатномалар бериш, электр тармоқларига уланишда «бир дарча» тамойилларини оммавий жорий этиш бўйича ишлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада ошишига, Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилаётган капитал қўйилмаларнинг сўнгги 4 йил мобайнидаги йиллик ўсиш суръати ўртача қарийб 10 фоизни ташкил этишига имкон берди. Бу кўрсаткич дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёдни ташкил этди. Мустақиллик йиллари давомида давлат инвестиция дастури доирасида қарийиб жами 120 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, шундан қарийиб 40 миллиард АҚШ доллари ТТХИни ташкил этади. (1-расм).



1 расм. Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган ТТХИ ва кредитлар[1]

[1] Манба: www.uzinfoinvest.uz/presentations

2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14600 млн. долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 млрд. доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди [1].

Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда. Бу жараёнларнинг жадаллашувини асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг салмоғи йилдан-йилга кўпаяётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот, унинг таркибида саноатнинг улуши тобора ортиб бормоқда. (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳамда унинг таркибида саноатнинг улуши ва асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиш тенденциялари

Кўрсаткичлар/йиллар	2000	2005	2010	2011	2012	2013
Ялпи ички маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	3255,6	15210,4	61831,2	77750,6	96589,8	118986,9
Саноатнинг ЯИМдаги улуши (фоизларда)	14,2	21,1	24,0	24,0	24,0	24,2
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	1132,9	3165,2	15409,1	18291,3	22067	27557,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2014 йил якунлари бўйича Инвестиция дастурининг аниқ манзилли қисмидаги 153 та лойиҳалар доирасида хорижий инвестицияларни ва кредитларни ўзлаштириш режа кўрсаткичи 103,5 фоизга бажарилди ёки ўтган йилнинг шу кўрсаткичига нисбатан 121,2 фоизни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган хорижий инвестицияларни асосий қисми нефтгаз (52,6 фоиз), энергетика (10,4 фоиз), коммуникация ва ахборотлашув соҳаси (5,6 фоиз), қурилиш ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш (4,7 фоиз), йўл қурилиши (3,6 фоиз), коммунал ҳизмат ва ичимлик суви таъминоти (3,0 фоиз), енгил саноат (2,6 фоиз), қишлоқ ва сув хўжалиги (1,9 фоиз) ва бошқа соҳаларга тўғри келмоқда.

Ҳисобот даврида Инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга ошириш учун жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинди. Хитой, Германия, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Буюк Британия, Малайзия, Россия ва бошқа давлатлар шулар жумласидандир [13].

UNCTAD маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларида ТТХИлар оқимининг иқтисодиётлар ўртасидаги тақсимоти бўйича Қозо-

ғистон 5 млрд. АҚШ долларидан юқори, кейинги ўринларда эса Туркманистон ва Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ долларидан 5 млрд. АҚШ долларигача жалб қилувчи мамлакатлар қаторига киради. Ҳудуднинг қолган мамлакатларида эса ТТХИнинг оқими паст даражадаги кўрсаткичга эга бўлиб, Қирғизистон 500 млн. АҚШ долларидан 900 млн. АҚШ долларигача, Тожикистон эса 500 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдорда ТТХИларни жалб қилувчи мамлакатлар тоифасига ажратилади [14].

3-жадвал

Иқтисодиётнинг турли ўсиш шароитларида хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилигига таъсирини баҳолаш

Ўсиш босқичлари	Хусусиятлари	Халқаро капитал миграциясининг шакллари	Халқаро капиталнинг таъсири даражаси ва хусусияти
Омил босқичи	Макроиқтисодий ўсиш асосий ишлаб чиқариш омиллари (асосан, ер, табиий ресурслар в.б.)га таянган, кам даражадаги ўсиш билан изоҳланади. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг сальдоси (экспорт-импорт) ЯИМнинг 2 фоизини ташкил этади.	Ссуда капитали[1]	-импорт таркибида товар ва хизматлар улушининг юқорилиги; -ссуда капиталининг умумий жалб қилинган инвестициялардаги улушининг юқорилиги; -капиталнинг барчаси табиий ресурслар экспорт хажмини оширишга йўналтирилиши; -венчур инвестицияларнинг мавжуд эмаслиги.
		Тадбиркорлик капитали[2]	-тўғридан–тўғри инвестицияларнинг паст даражаси; -биржа инфратузилмаси ва фонд бозорининг ривожланманганлиги; -тўғридан-тўғри инвестицияларнинг юқори рисклилиги ва кучсиз ҳимоя даражаси; -инвестиция соҳасидаги қонунчилик базасининг яхши ривожланмаганлиги.

[1] Халкаро капитал миграциясининг асосий шакллари тадбиркорлик ва ссуда капитали кўринишида бўлади. Халқаро амалиётда давлат капитали кўпроқ ссуда шаклида, хусусий ва узоқ муддатли капитал эса - тадбиркорлик шаклида намоён бўлади.

[2] Тадбиркорлик капиталини четга чиқаришнинг икки тури ажратилади: тўғридан-тўғри (ТТХИ) ва портфель инвестициялари (ПИ).

ТТХИ – бу хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тўла эга бўлиш ёки унинг камида 10 фоиз хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

ПИ – бу капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10 фоизидан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Ўсиш босқичлари	Хусусиятлари	Халқаро капитал миграциясининг шакллари	Халқаро капиталнинг таъсири даражаси ва хусусияти
Инвестицион босқич	Ички ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон технологияларидан фойдаланган ҳолдаги рақобатбардошлигининг ошиши ва иқтисодий ўсишнинг инвестицияга боғлиқлиги ўртача даромадлилик билан изоҳланади. Тўғридан-тўғри инвестициялар сальдоси ЯИМнинг деярли 10 фоизини ташкил этади. Тўғридан-тўғри инвестициялар миллий иқтисодиётнинг жаҳон ишлаб чиқариш тизимига интеграциялашувига имкон беради.	Ссуда капитали	-катта ҳажмда инвестицион капиталнинг жалб қилиниши; -халқаро молия инструментларидан кенг фойдаланиш имконияти; -хорижий капитал иштирокида миллий молия бозорининг шаклланиши; -ўзлаштиришнинг паст даражаси.
		Тадбиркорлик капитали	-тўғридан-тўғри инвестициялар улушининг ортиши; -миллий компанияларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши; -венчур бозорининг ривожланиши; -юқори даромадли соҳаларга маблағлар сарфланиши; -маҳаллий тадбиркорлар сонининг ортиши; -хорижий инвестицияларнинг юқори даражада ҳимоя қилиниши.
Инновацион босқич	Миллий иқтисодиёт технологияларни импорт қилувчидан, технологияларни ўзида ишлаб чиқарувчига айланиши, юқори даражадаги иқтисодий ривожланганлиги билан характерланади.	Ссуда капитали	-жалб қилиш қийматининг пастлиги; -иқтисодиёт барча соҳаларининг молиялаштирилиши; -хорижий капитал ўрнини миллий молия ресурслари эгаллаши.
		Тадбиркорлик капитали	-инвестицияларнинг юқори технологик инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилиши; -тўғридан-тўғри инвестицияларнинг юқори даражада ҳимоя қилиниши.

3-жадвалга кўра, иқтисодиётнинг турли ўсиш шароитларида халқаро инвестицияларнинг миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигига таъсирини таҳлил қилиш, омиллар ва уни аниқловчи белгиларни баҳолаш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва унинг инновацион ривожланишини таъминлашда, шунингдек, иқтисодиётнинг янги ривожланиш босқичига ўтиши учун имконият яратишда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти ортиб боради;

- ссуда капитали мамлакат иқтисодий ривожланишининг бошланғич босқичида муҳим аҳамият касб этиб, давлат ресурсларини бирлаштириш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига кучли туртки беришда самаралироқ инструмент ҳисобланади;
- Давлат халқаро капитал миграцияси орқали мамлакатда инвестицион жараёнларни мувозанатлаштирмасдан ва бу жараёнларни тартибга солмасдан туриб, мамлакатда инновацион ривожланишни амалга ошириш мумкин эмас.

Капитал импорти ва экспортини давлат томонидан мувофиқлаштиришда нафақат инвестицион ресурслар ва миллий ишлаб чиқариш салоҳияти ўртасидаги боғлиқликка, балки инвестицион капиталнинг шаклига ҳам кўпроқ эътибор қаратиши зарур. Бундай шароитда давлат томонидан айнан жаҳон бозорида миллий бизнеснинг рақобатбардошлилигини мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро капитал шакллари оқимининг ўсиши учун тегишли шарт-шароит яратилиши лозим бўлади [7].

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишга қаратилган инновацион омилларнинг самарадорлигига, аввало, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ), шунингдек, унинг ўз миллий инновацион тизимини модернизация қилишга сарфлаётган харажатлари эвазига эришилади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган кўпгина мамлакатларда ИТТКИга харажатлар давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланган. Таҳлилларга кўра, йирик компанияларнинг ИТТКИга харажатлари давлат харажатларидан ҳам бирмунча кўплигини кузатишимиз мумкин. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида умумий ажратилган ИТТКИга харажатларда хусусий секторнинг улуши: Жанубий Кореяда 82 фоизни, Швейцарияда 75, Бельгия ва Люксембургда 73, Японияда 69, АҚШ, Германия, Швецияда 68, Буюк Британия 63, Ирландия 62 ҳамда Францияда 61фоизни ташкил қилган [5].

Тадқиқотлардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишга қаратилган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий мақсад ва вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб олиш зарурдир:

- мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлилигини оширишга кўмаклашиш;
- иқтисодий суверенитетни таъминлаш ва иқтисодий устунликлардан имкон қадар самарали фойдаланишга эришиш;
- нохом-ашё секторга инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш;
- юқори технологиялар соҳасида инвестиция фаолиятини мажмуали қўллаб-қувватлаш, рақобатбардошликни ва илм сиғимли маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш;
- таълим тизимини молиялаштириш ҳажмини ошириш чораларини кўриш, хусусан таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада ривожлантириш;
- юқори технологияларга асосланган миллий кичик ва ўрта корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига нисбатан ички талаб шаклланишини рағбатлантириш мақсадида давлат харидини ташкил этиш ёки бошқа миллий фирмаларга шу корхоналардан сотиб олган маҳсулотлари қийматига мос равишда солиқ имтиёзларини киритиш;
- ички бозорда соф рақобат шароитини таъминлаш;
- миллий ишлаб чиқаручиларни ҳимоя қилувчи божхона таърифларини маълум дастур бўйича даврийлашти-

риш; (масалан: 3 йилгача 100 фоиз, кейинги 2 йил 50 фоиз, кейинги 2 йил 30 фоиз, кейинги 2 йил 0 фоиз ҳимоя қилиниши). Бу ўз навбатида миллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозоридаги рақобатга тайёргарликларини оширади.

Фикримизча, Миллий иқтисодиётда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда нафақат давлат, балки хусусий инвесторларнинг ҳам қатнашувини кенгайтириш айниқса мақсадга мувофиқдир.

Бундай шароитларда, биринчидан, инновацион ва технологик ривожланишга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилиш, иккинчидан, улардан самарали фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.press-service.uz-Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати.

2. Lessard D. R. International Diversification and Direct Foreign Investment / Multinational Business Finance. Ed. by D. Eitman, A. Stonehill. Reading (Mass.), 1974. P. 274 - 287.

3. The Global Competitiveness Report 20122013 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2013.

4. The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009.

5. *Андрианов В*. Россия: экономика и политика. Конкурентоспособность России в мировой экономике «Мировая экономика и международные отношения» 2000.

6. *Павличенко Р*. Регулирование прямых иностранных инвестиций: тенденции и проблемы "Мировая экономика и международные отношения", 2001.

7. *Сафонов М.* Разработка подходов к повышению конкурентоспособности национальной экономики в условиях привлечения международного капитала Автореферат Москва 2010.

8. *Кузнецов А.* Прямые иностранные инвестиции: «эффект соседства». «Мировая экономика и международные отношения», 2008. №9

9. История экономических учений: Под ред. В. Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой. - М.: ИНФРА-М, 2006. С. 784.

10. Vernon R. International Investment and International Trade in the Product Cycle // Quarterly Journal of Economics. 1966. N 2 (May).

11. Porter M.E.The Competitive Advantage of Nations: With a New Introduction. – N.Y.: The Free Press, 1990.

12. Dunning J.H.The globalization of business: the challenge of the 1990s. – N.Y.: Routledge, 1993.

13. www.mfer.uz –Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги расмий сайти.

14. World Investment Report 2014: Investing in the SDGs: An Action Plan.

ГАБРИЭЛЬ АЛМОНД БОШЧИЛИГИДАГИ (GABRIEL A. ALMOND, G. BINGHAM POWELL, JR., KAARE STROM, RUSSELL J. DALTON)МУАЛЛИФЛАРНИНГ “ЗАМОНАВИЙ ҚИЁСИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК: ХАЛҚАРО НИГОҲ” АСАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҚИСҚАЧА СИЁСИЙ ДАЙЖЕСТ

Г.А.Алмонд XX аср АҚШ сиёсатшунослик мактабининг йирик намояндаларидан бири ҳисобланади. У ўзининг сермаҳсул илмий ижоди давомида АҚШнинг Йель, Бруклин, Принстон ва Стэнфорд каби энг нуфузли университетларида фаолият олиб борди. Г.Алмонд айниқса ***сиёсий тизимлар*** ва ***сиёсий маданият*** каби илмий категорияларни кенг тадқиқ этган олимдир. У сиёсатшуносликда “бихевиориал инқилоб” (behavorial revolution) концепциясининг атоқли вакили бўлиб, сиёсий илмларни антропологик, социологик ва психологик янгиликлар ва тадқиқотлар билан бойитди.Сиёсий тизимларни таҳлил қилишда Г.Алмонд ўзининг машҳур “кириш” ва “чиқиш” (input and output) концепциясидан фойдаланди. Унинг назариялари қиёсий сиёсатшунослик соҳасида тенгсиз бўлиб, ушбу омил Г. Алмонднинг сиёсий фанларнинг мумтоз вакиллари қаторидан жой олишига сабаб бўлди.

Г. Алмонд ўз асарларида, хусусан, ҳаммуаллифликда яратилган “Замонавий қиёсий сиёсатшунослик: халқаро нигоҳ” асарида қатор сиёсатшунослик категорияларининг мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамиятини ўта тушунарли, содда ва равон тилда очиб берди. Мазкур асарнинг биринчи қисмида сиёсат нима, ҳукумат ва табиий ҳолат, ҳукумат нима учун керак, ижтимоий адолат ва ҳ.к. каби масалалар кенг таҳлил этилган. Асарда сиёсат ҳақида фикр юритиларкан, унинг кўп қиррали ҳодиса эканлигига алоҳида урғу қаратилган. Г. Алмонд сиёсатнинг эзгу ва ёвуз кучга эга бўлиши мумкинлигини асослаб берган. Унинг фикрига кўра, сиёсатнинг ўзагини ўзлари ва бошқаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган муҳим қарорларни қабул қилувчи инсонлар ташкил этади. Сиёсий қарорларга оммавий ва ҳукумат қарорларини киритади. Г. Алмонд сиёсий қарорлар қабул қилиш муайян умумийлик асосида амалга оширилишини таъкидлайди ва буни ***сиёсий тизим*** деб номлайди.

Г. Алмонд бошчилигидаги асар муаллифлари сиёсатда ҳокимиятнинг ёки куч-қудратнинг намоён бўлиш хусусиятига катта эътибор қаратишган. Уларнинг таъкидлашича, ҳокимият бу расмий куч-қудрат бўлиб, у маълум шахслар ва гуруҳларга барча учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиниши ва эътироф этилиши мақсадида берилади. Сиёсий ҳокимият эгалари куч-қудрат ва молиявий ресурсларга эга бўлиб, ушбу ресурслар улар қабул қилган қарорларни амалга оширишда ёрдам беради ва бу мажбурлаш воситаси деб аталади. Ҳокимият ва мажбурий назорат одатда

ҳукуматлар томонидан амалга оширилади.

Г. Алмонд бошчилигидаги олимлар ҳукумат нима учун керак, деган саволга жавоб бериб, унинг 6та асосий функциясини кўрсатиб ўтишган:

1. Уюшмалар, жамиятлар ва миллатларни тузиш. Ҳукуматнинг энг долзарб мақсадларидан бири фуқаролик жамияти институтлари ва уюшмаларини тузиш ва уларни ҳимоя қилишдан иборатдир. Г.Алмонднинг фикрича, сиёсий фаолиятни мазкур фуқаролик жамияти институтлари ва уюшмалари орқали амалга ошириш мумкин.Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Г. Алмонд янги мустақил давлатларда миллий давлатчилик институтларини барпо этиш каби улкан вазифалар кўндаланг туришини алоҳида таъкидлаб, бу жараёнда кучли ҳукуматга эҳтиёж борлигини урғулайди. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб бозор муносабатларига асосланган эркин, демократик жамият барпо этишда давлат ҳокимиятининг ислоҳотларга раҳбарлик қилганлиги АҚШдаги қудратли сиёсатшунослик мактаби вакиллари томонидан яратилган сиёсий назарияларга ҳамоҳанглигини яққол кўрсатади.

2. Хавфсизлик ва тартиб ўрнатиш. Г.Алмонд хавфсизликни таъминлаш ҳамда жамиятда мустаҳкам тартиб-коидаларни ўрнатиш ҳукуматнинг энг асосий функцияси деб ҳисоблайди.

3. Хусусий мулк ва бошқа ҳуқуқларни ҳимоя қилиш. Ижтимоий келишув назарияси асосчиларининг (Ж. Локк, Т.Гоббс) хусусий мулкка оид ғояларини таҳлил қилиб, Г.Алмонд хусусий мулкчиликнинг самарали ҳимоя қилиниши савдо-сотиқнинг ривожланишига ва, пировард натижада, иқтисодий ўсишнинг жонланишига олиб келади, деб ишонади.

4. Иқтисодий самарадорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш. Ҳукуматлар қатъий қонун-қоидалар асосида хусусий мулкчилик шаклларини ҳимоя қилиши ва савдо-сотиқни қўллаб-қувватлаши керак.

5. Ижтимоий адолатни қарор топтириш. Асар муаллифларининг таъкидлашига кўра, ҳукумат иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш билан бирга, иқтисодий юксалиш неъматларини адолатли тақсимлашни ҳам ўз зиммасига олиши керак. Уларнинг фикрича, дунёнинг кўплаб давлатларида иқтисодий даромадларнинг нотекис ва адолатсиз тарзда тақсимланаётганлигини кузатиш мумкин.

6. Эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш. Аҳолининг кам таъминланган, меҳнат қобилиятини йўқотган, ногирон қатламларини ҳимоя килиш ҳукуматнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Ҳукумат, шунинг-дек, экологик муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодий қарздорлик ва қарамликнинг олдини олиш орқали келажак авлодлар манфаатларини ҳам ҳимоя этиши керак.

Асарда ҳукуматнинг юқоридаги функ-циялари билан бир қаторда, ҳукуматни танқид қилувчилар (анархистлар ва либертаристлар) нинг ғоялари кенг таҳлил қилинган. Г.Алмонднинг фикрига кўра, ҳукуматларни одатда қуйидаги сабабларга кўра танқид қилишади: табиий уюшма ва жамиятларнинг бузилиши, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол қилиниши, иқтисодий муваффақиятсизлик ва қолоқлик, шахсий манфаатлар йўлида сиёсат юргизиш.

Г.Алмонд бошчилигидаги муаллифлар асарда сиёсий тизимлар ва уларнинг шаклланиши, давлат сиёсий тизимнинг ўзига хос шакли эканлиги, кўҳна ва янги, катта ва кичик давлатлар, биринчи, иккинчи ва учинчи дунё мамлакатлари каби чекланмаган мавзуларда кенг фикр ва мушоҳада юритганлар. Мазкур тадқиқотда, айниқса, сиёсий тизимларни қиёсий ўрганиш масалала-

рига анча кенг ёндашувни кузатишимиз мумкин. Қиёслаш объектига эга бўлмасдан туриб, онг қайси томонга ҳаракат қилишни билмайди, дейилади асарда. Шунингдек, нима учун сиёсий тизимларни қиёсий ўрганамиз, деган саволга атрофлича жавоб берилган. Г.Алмондга кўра, сиёсий тизимларни қиёсий ўрганиш сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш, сиёсий феноменларни холис таҳлил қилиш ҳамда истиқболдаги ўзгаришлар ва эҳтимолликларни нисбатан аниқроқ башорат қилиш имконини беради.

Асарда тузилмавий-функционал ва тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилган. Муаллифлар сиёсий тизимни жамиятнинг умумий мақсадларини рўёбга чиқариш мақсадида тузиладиган институтлар ва ташкилотларнинг умумий мажмуи сифатида талқин қилганлар. Ҳукумат ёки давлат сиёсий тизимнинг муяйян қисми бўлиб, сиёсий курсни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни таъминлайди. Г.Алмоднинг таъкидлашича, сиёсий тизим ички ва ташқи муҳитда мавжуд бўлиб, у бевосита атроф-муҳитни шакллантиради ҳамда ўзи ҳам унинг таъсирида ўзгаришларга юз тутади. Жумладан, сиёсий тизим атроф-муҳитдан кириш функ-циясини олади ва унга ўзининг чиқиш функцияси орқали таъсир кўрсатади.

Тизим, жараён ва сиёсий курсни таҳлил қилиб, муаллифлар айни жараёнда сиёсий маданиятнинг ўрнини алоҳида таъкидлашади. Уларга кўра, жамиятнинг сиёсий маданияти фуқароларнинг 3 қиррали муносабатларини ўз ичига олади. Булар: а) сиёсий тизимга бўлган муносабат, б) сиёсий жараён ҳамда сиёсий курсни белгилашга бўлган муносабат, в) сиёсий курсни амалга ошириш натижаларига бўлган муносабат. Алмонд сиёсий маданият сиёсатда содир бўладиган барча ўзгаришларни тушунтириб беришга қодир эмас, деган якуний хулосага келади. Ҳар қандай сиёсий жараённинг муваффақияти сиёсий тизимнинг легитимлигига боғлиқдир. Г.Алмонд таҳлилларига кўра, фуқаролар қонунларга риоя этишни ўзларининг мажбурияти деб ҳис этишсагина сиёсий тизим легитимлигининг юқори даражаси таъминланади. Қачонки, фуқаролар қонунларга риоя этишга асос кўрмаса ва/ёки қонунларга қўрқув туфайли бўйсунадиган бўлса, бу ҳолатда легитимлик даражаси анча паст бўлади.

Тадқиқотда, шунингдек, сиёсий социаллашув ва унинг институтлари (оила, мактаб, диний ташкилотлар, тенг-лар гуруҳи, ОАВ, сиёсий партиялар ва ҳ.к.), сиёсий модернизация ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам қимматли фикрлар баён этилган.

Муаллифлар манфаатларни артикуляция ва агрегация қилиш масалаларига алоҳида бўлим ажратишган. Маълумки, ҳар бир сиёсий тизимда муайян механизмлар мавжуд бўлиб, улар воситасида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўз талаб ва эҳтиёжларини ҳукуматга тақдим этишади. Бу манфаатларни артикуляция қилиш жараёнидир. Асарда манфаатларни артикуляция қилишнинг муҳим шакллари сифатида сайловларда овоз бериш, норасмий гуруҳлар ва ижтимоий ҳаракатлар фаолияти, тўғридан-тўғри боғланиш, норозилик ҳаракатлари каби омиллар киритилган ҳамда ҳар бир омилнинг таъсир этиш даражаси алоҳида-алоҳида очиб берилган.

Сўнгги йилларда демократик мамлакатларда сиёсат ва сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишнинг сусайиб бораётганлиги, сиёсий жараёнларга дахл-дорлик ва иштирокчилик руҳининг пасайиш тенденциялари тадқиқотчиларни ташвишга солмоқда, дейди Г. Алмонд. Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштирок этишисиёсий онгнинг нечоғлик ривожланганлигини намоён этувчи кўзгу ҳисобланади.

Г.Алмондтаҳлиллари шуни кўрсатадики, манфаатларни агрегация қилиш фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари партиявий дастурларга қўшилиши натижасида юз беради. Бу жараёнда, айниқса, ривожланган демократик давлатларда сиёсий партияларнинг ўрни беқиёсдир. Манфаатларни агрегация қилиш индивидуал ва ёки институционал шаклда амалга оширилиши мумкин. Муаллифларнинг фикрича, манфаатларни самарали агрегация қилиш муҳим кўрсаткич бўлиб, у ҳукуматнинг ўз фуқароларига нисбатан олиб борадиган ишлари, муносабати ва уларнинг манфаатларини қай даражада ҳимоя қила олишига боғлиқдир. Г. Алмонд сиёсатнинг атроф-муҳит воқеликларини ўзида намоён этишини таъкидлаш билан бирга, уни шакллантиришдаги ўрнини ҳам алоҳида эътироф этади. У демократиянинг мазмун-моҳиятини сиёсий етакчиларнинг халқ хоҳиш-истагига ва манфаатларига қараб сиёсат юргизишида деб ишонади.

Мазкур қимматли сиёсий асарда, шунингдек, ҳукумат муассасалари, сиёсий курсни ишлаб чиқиш ва бунда конституция ва қонунларнинг аҳамияти, ҳукумат ваколатларининг ҳудудий тақсимланиши, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ва аҳамияти, бюрократия, сиёсий элита ва унинг шаклланиши каби жиҳатлар қиёсий таҳлил қилиб берилган. Асарнинг охирги қисми “Мамлакатшунослик” деб номланиб, унда Буюк Британия, ХХР ва АҚШ каби давлатларнинг сиёсий тизимлари, давлат бошқарув шакллари ва уларнинг бетакрорлиги, улар сиёсий маданиятининг хилма-хил кўринишлари ва ўзига хослиги қиёсий таҳлил асосида ўрганилган.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий сиёсатшуносликнинг йирик намояндаси Г. Алмонд бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган ушбу ўқув қўлланма узоқ йиллар давомида дунё-нинг кўплаб олий ўқув юртларида сиёсий илмлар бўйича асосий адабиётлардан бири сифатида фойдаланиб келинмоқда. Асарда сиёсий тизим, давлат институтлари ва сиёсий маданият назариялари борасида шундай умумий хулосалар берилганки, натижада, улар воситасида ҳар бир давлатнинг сиёсатини тўғри таҳлил қилиш ҳамда келажакдаги эҳтимолий воқеалар ривожини аниқроқ кўра билиш имкони юзага келади. Шу нуқтаи назардан, муайян давлатнинг сиёсий қадамларини тўғри баҳолаш, унинг хатти-ҳаракатларини олдин-дан кўра билишда “Замонавий қиёсий сиёсатшунослик: халқаро нигоҳ” асари нафақат илмий, ва балки катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир.